

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 226 (10.531)

2005 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ

## Пойтахтнинг бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### Кисса ситрада

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида Тошкент шаҳар "Соғломлаштириш" миллий маркази ҳамкорлигида ўтказилган хайрия тадбири "Қалб кўзи билан кўрайлик" деб номланди.

● **БУГУН** Миробод енгил sanoat касб-хунар коллежида "Маънавият ва маърифат" марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар иштирокида уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланди.

● **УТГАН** кунни Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан "Оила ва ислом дини" мавзuida ўтказилган давра сўбатда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, туман кутубхоналари раҳбарлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир ўқув муассасаларида таълим жараёнини маънавий-маърифий жиҳатдан ташкил этиш масалаларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати ва ўз**  
**мухбирларимиз хабарларидан.**



## 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

### ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

«Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5-модда

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинганга ўн тўрт йил тўлди.

Байроқ қадим-қадимдан ҳар бир халқ учун мустақиллик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраганлар. Хусусан, буюк ватандошимиз Наҳиддин Кубро — етмиш беш ёшли мўйсифидининг юртини мўғул босқинчилари оёқости қилмаслиги учун майдонга тушгани, хурлик яловини илқиди маҳкам тутгани ва кўлида жон таслим қилгани тарихий ҳақиқат.

Соҳибқирон Амир Темури салтанатида ҳам байроқ давлат ва миллат гурури саналиб, энг ишончли баҳодирлар, саркардалар томонидан кўриқланган. Ганимларга қарши жанг жаддаларда мардлик ва жасорат кўрсатган амирро сипоҳийларга эътироф рамзи сифатида махсус туг ва ногора ҳадыя қилинган.

Бугун мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг тарих

ий қадрятлари, бой маънавияти акс этган давлат рамзларига эгамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг кўп ўтмай - 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чеқди.

Ўн тўрт йилдики, давлат суверенитетининг рамзларидан бири бўлган байроғимиз мамлакатимиздаги давлат ҳокимияти тузилмалари, идора ва муассасалар, шунингдек, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, юртимизнинг чет эллардаги элчixonа ҳамда ваколатхоналари пештоқларида ҳилпирамоқда.

Байроғимиз турли байрам ва тантаналарда, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқдосдаги сиёсий, маданий тадбирларда Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурури ва ифтихорини ёрқин акс эттириб туради. Шу боис, ҳар гап халқаро спорт беллашуварларида гойиб чиққан спортчиларимиз шарофига мадҳиямиз янграб, давлат

тимиз байроғи юксак кўтарилган дақиқаларда юракларимиз ҳаяжонга тўлади.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг ўзига хос чуқур рамзий маънога эга. Мовий ранг мусоффо осмонимизни, диёримизда қарор толган тинчлик ва барқарорлиқни, оқ ранг покизаният ва беғубор оруз-умқдларимизни, йўлимиз очиклигини, яшил ранг она табият ва андга абадий янгилашниши акс эттиради. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқётган аждодлар қони — улардан олади-ган рухий маддат ва куч-қудратимиз ифодасидир.

Шу маънода, давлатимиз байроғи — ўтмиш, бугун ва келажакимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб, унда асрий қадрятларимиз, халқимизнинг хурриятга интилиш руҳи, Ватанга муҳаббат ва садоқатимиз, келажакка бўлган юксак ишончимиз муҳжасам.

Мустақиллигимиз рамзи бўлган байроғимиз мангу ҳилпирайверсин!

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
**ЎА шарҳловчиси**

## XVI asr saqosi

Барча малбалардан олмиган сўзга хабарлар

### Мамлакатимизда

● 16-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш, янада либераллаштириш ва конституциявий одил судловни такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Устирт кенгликлариде ер ости бойлиқларини излаш ва уни ўзлаштириш борасида мамлакатимиз Россия билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Шу ҳамкорлик натижасида юртимизда «Зарубежнефтегаз операция компанияси-ГПД Марказий Осие» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

● Қашқадар вилоятда «2006-2007 йилларда чорвачиликка иктисослашган деҳқон хўжалиқлари ва бошқа оилавий бизнес субъектларини ташкил қилиш дастури» ишлаб чиқилди.

● Хоразмда иқикта касб-хунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Урганч шаҳри марказида қурилган ахборот ва компьютер технологиялари коллежи 750 нафар йилит-қизни ўз бағрига олган бўлса, Урганч туманидаги sanoat-транспорт коллежи 10 та йўналишда 800 нафар ўқувчига таълим бериш имкониятига эга.

### Жаҳонда

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф 8 октябрда юз берган ва 87 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган zilzilva оқибатларини бартараф этиш учун 5,2 миллиард доллардан ортироқ мабла кераклигини айтиб халқаро ҳамжамиятдан кўмак сўрамоқда.

● Корея Республикасининг Пусан шаҳрида Осие ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар иқтисодий вазиранинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда бир неча туман масалалар юзасидан кўшма баёнот қабул қилинди.

● Гага халқаро трибунали қотиллик, ҳарбий жиноятлар айбловлари тасдиқланмаганлиги сабабли босниялик собик генерал Сафар Халиловичга қўйилган барча айбловларни бекор қилди ва у озод этилди.

● Хиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида амалга оширилган террорчилик харақати — автомобилга жойлаштирилган харақат келтирилиши оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, 30 киши жароҳатланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган муносабатлар янги, чуқур мазмун билан бойиди — мазкур шартнома бirlалиқда сайй-харақатларимиз ривожланишининг объектив ва манфиқий яқини бўлди. Утган йил 16 июнь кунни Тошкентда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Стратегия шериклик алоқалари анди иттифоқчилик муносабатлари даражасига кўтарилдики, бу суверен давлатларнинг ўзаро алоқаларида энг юқори даража ҳисобланади.

Изоҳли лугатда «иттифоқчи» сўзи «ҳамкорлик қилувчи, ўзаро иттифоқликда бирга ҳаракат қилувчи, ҳамкор» маъноларини англатади. Хўш, Ўзбекистон — Россия жиоласлувида кўзланган мақсад нима?

Биринчидан, бу мамлакатларимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, замонамизнинг таълиқа ва хавф-хатарларига, биринчи навбатда, халқаро терроризмга биргаликда қарши туриш, Ўзбекистон ва Россия биринчилардан бўлиб унинг шафқатсиз ҳаммаларига дуч келган. 1999 йили Тошкент кўчаларида портлашлар изидан террорчилар Москвада бир неча турар жойларини ваёрон қилишди. Қарийб бир вақтнинг ўзида террорчиларнинг жангари тўдалари Ўзбекистон худудига ёриб ўтишга уринишган, Дюгонстанда сукутиб қиришган эди. Террорчиларнинг яқинда уюштирган хунрезликлари, яъни уларнинг бутун бошли шаҳарни — Ўзбекистонда Андужон, Россияда Нальчикни қўлга олишга бўлган уринишлари ҳам ўшашидир. Дюгули кўчлар эса ўзларининг жинояткорона «қумор уйи»ларига конституциявий тузумни ва бу икки давлатнинг мавжудлигини, тинч аҳолининг ҳаёти ва фаровонлигини бахонидил тикишди.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мемлакатларимизнинг халқаро терроризм, экстремизм, оммавий қирқин қуроллари тарқалиши, гивёана моддалар, психотроп ашёлар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланishi, қуроллар, трансмиллий уюшган жиноятчилик хавф-хатарларига қарши туриш ва барҳам бериш механизми самарадорлигини оширишга йўналтирилган сайй-харақатларини биргаштиришга имкон бе-

ради. Шартномага мувофиқ «томонларнинг биргаликда қарши агрессия хуружи содир этилганда иккинчи томон коллектив ўзаяи мудофаа қилиш ҳуқуқига амал қилган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нюзомининг 51-моддасига мувофиқ унга зарур ёрдамини, ҳарбий кўмагини ҳам кўрсатади, шунингдек, ўз тасарруфида бўлган бошқа воситалар ёрдамида уни қўллаб-қувватлайди». Бу бандиларга ҳамда

чи ўрини эгаллайди». Иттифоқчилик муносабатлари мудофаа соҳаси билан чекланмайди, улар иқтисодиёт, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш учун ҳам катта имкониятлар очади. Кейинги пайтларда икки томонлама савдо айланмасининг ҳажми изчиллик билан ўсиб бормоқда ва жорий йилда бу кўрсаткич 2 миллиард АҚШ долларига яқинлашиб бормоқда. Россиянинг энг йирик компаниялари Ўзбекистонда ўз фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Биргина нефть ва газ соҳасида улар илгари киритилган сармоялар билан бирга янги икки-уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётига қарийб 2 миллиард доллар миқдорда сармоя киритишни режалаштирмоқда. Республикада Россия маблағи иштирокида тузилган 433 та корхона фаолият кўрсатаётди, ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 260 дан зиёд корхона ишлаб турибди. Уларнинг сони эса тобора ўсиб бораётди.

## Ўзбекистон — Россия: ҳамкорликнинг янги уфқлари

### КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА ЖИПСЛАШУВ

Яқинда Москва Кремлида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мамлакат алоқаларида янги босқични бошлаб бериши баробарида ўзаро муносабатларга узок муддатли мустаҳкам замин яратди.

«бошқариладиган беқарорлик» «технолог»ларига жиддий оғохлантиришдур.

Шуни таъкидлаш муҳими, имзоланган мазкур шартнома Россиянинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам стратегия миллий манфаатларига бирдек ҳам беради, икки мамлакатнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатлилик асосида шаклланган алоқаларини янада мустаҳкамлайди. «Россия ва Ўзбекистоннинг бир-бири томон яқинлашуви анчадан буюн давом этмоқда, чунки бу ҳар икки мамлакат учун ҳам фойдалидир, — деб ёзади россиялик сисёатшунос Д.Малишева. — Бунда Ўзбекистон Россия томон илтимос қилувчи сифатида «қайтаётгани» йўқ... Ўзбекистон банан республикаси эмас, балки Марказий Осиедаги ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатлардан биридир. Россия учун Ўзбекистон аънаваний иқтисодий шерик ҳисобланади ва ўз навбатида Россия Ўзбекистон савдо-иқтисодий айланмасида бирин-

Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, Москвада имзоланган ҳужжатда «томонлар одамлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, гуманитар соҳаддаги ҳамкорлиқнинг шартномавий ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга кўмаклашадиган» деб белгиланган. Бу кўп асрлик маданий ва ўзаро яқин инсоний муносабатларга эга бўлган икки мамлакат фуқаролари учун нийҳатда муҳимдир.

14 ноябрь кунини имзоланган ўшбу шартнома иттифоқчилик тамойилни мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг асоси сифатида халқаро ҳуқуқий даражада муҳрлади. Бироқ аслида, долзарб муаммоларни ҳал қилиш ва умумий мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон ва Россиянинг жиеласлуви бундан анча илгари рўй берган эди.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**  
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси**

*Конституция куни олдидан*

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Бош Комиссия қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Жорий йилдан икки палатали парламент фаолият кўрсатаётгани, Қонунчилик палатасининг ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бораётгани ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Буларнинг барчаси жамият ҳуқуқий тизимининг асосини ташкил этувчи қонунларни пишиқ ва пухта ишлаб чиқиш,

уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида самарали механизм яратилишига йўл очди. Бу мавжуд қонунларни жамият тараққиётига мос равишда такомиллаштириб боришда ҳам муҳим ўрин тутати. Мукамал қонунлар эса жамият тараққиётига хизмат қилади.

Хар бир янги қонун жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда халқ манфаатини ўзида пухта акс эттириши лозим.

Шу боис қонун ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларига мувофиқ ҳаётнинг ўзидан келиб чиқши мақсадга мувофиқ. Айни вазифанинг бажарилишида юртимизда зарур меха-

низм, муҳими қонунчилик стратегиясининг мавжудлиги диққатга сазовор. У ўз ичига қонунларни тайёрлаш, бу жараёни режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини қамраб олади.

Анжуманда иштирок этган олимлар Президентимизнинг жорий йилнинг август ойида «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари қабул қилиниши муносабати билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида юзга келаётган муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, анжуманда давлат қурилиши ва бошқаруви, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ҳамда фуқаролик, меҳнат, тадбиркорлик ва экологияга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ**

Меҳмонлар юртимиз билан танишишни дастлаб Ўзбекистон сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари ва журналистлар билан мулоқотдан бошлади.

Маълумки, жорий йил апрель ойида Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмасининг раҳбари ҳукумат делегацияси таркибидан Вильнюсга борган ва Литва туризми вазири ҳамда туроператорлар билан учрашганди.

—Ўзбекистонга илк бор келишимиз бўлса-да, юртингиз ҳақида, унинг қадимий ва кўҳна обидалари хусусида кўп бор эшитганмиз,— деди Дануте Мажейкайте.— Литваликларни Шарқнинг гўзал урф-одати, қадимий маданияти ва мейморчилик санъати ҳамиша ўзига жалб этиб, қизиқтириб келган. Литваликлар саёҳатга чиқишни хуш кўрадиган халқ. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бизда туризм бирмунча яхши ривожланган. Соҳада 84 та туроператор бўлиб, жорий йилнинг олти ойи мобайнида бир ярим миллион сайёҳга хизмат кўрсатилди. Мамлакатимизга кўпроқ ғарбий Европа мам-

лакатларидан, хусусан Италия ва Польшадан сайёҳлар келишади.

Литва ҳақидаги сўзни дастлаб умумий маълумотдан бошламоқчиман,— деди Дануте Мажейкайте. Мамлакатда уч миллион тўрт юз эллик минг етти юз нафар аҳоли бор. Шундан беш юз қирқ икки минг икки юз сак-

Литва Республикаси Болтиқ денгизининг шарқий қирғоғида жойлашган бўлиб, шимолда Латвия, шарқда Беларусия, Жанубда Польша билан чегарадош. Вильнюс, Каунас ва Паланга шаҳрида халқаро аэропорт бўлиб, шарқий ва ғарбий Европани ўттизта авиамаршрут боғлаб туради.

мол ва Жануб кесиган, туташган ерда жойлашган. Пойтахт Вильнюс эса 1430 йилдан буюн Болтиқ денгизидан Қора денгизгача чўзилган буюк Литва князлиги давридан буюн яшаб келаётганлиги билан ҳам хар бир литваликнинг юрагига яқиндир.

Вильнюс қанчалик қадимий бўлса, янги минг йиллик каби шунчалик ёш ва навқирон ҳамдир. Республика янги минг йиллик бошида Европа Иттифоқига аъзо бўлди. Литвани бизда яшилликларга бурканган ўлка деб аташади. Мамлакатда катта майдонни эгаллаган бешта миллий ва ўттизта ҳудудий боғ мавжуд. Саёҳатчиларга яёв юриб томоша қилишларга ёки велосипедда сайр қилишлари учун қудайлик яратилган.

Ташриф давомида Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларни томоша қиламиз ва сафаримиз сўнгида таассуротларимиз билан ўртоқлашамиз. Уйлаймики, туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида келишиб оламиз.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ,  
“Туркистон-пресс”**

## “ТУРИЗМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАМИЗ”

Литва сайёҳлик ассоциацияси ижрочи директори Дануте Мажейкайте бошчилигидаги туристик фирма ва ташкилот вакиллари соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Тошкентга келди.

сон етти нафари пойтахт Вильнюс шаҳрида истиқомат қилади. Этник таркибининг 81,8 фоизини литвалликлар, 8,1 фоизини руслар, 6,9 фоизини поляклар ва бошқа қисмини белоруслар, украинлар ташкил этади. Худуди 65 минг 300 квадрат километр. Кўллар билан ўралган ҳосилдор ерлар кўп.

Литва Болтиқбўйининг энг қадимги давлати ҳисобланади. Номи тарихий манбаларда а дастлаб 1009 йилда тилга олинган. Аждодларимиз денгиз қимматбаҳо тошлари билан савдо-сотик қилган бўлиб, бу ҳол ўлқанинг тимсолига айланган. Литва қадим-қадимдан Шарқ ва Фарб, Ши-

2005 — *Сўхат-саломатлик йили*

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Кўнгли ярим, тиббий кўмакка муҳтож кишиларга муруват кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Шу сабаб Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан ижтимоий муҳофаза мустақиллигининг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган жамият ривожининг устувор тамойилларидан бири сифатида белгиланди.

Ҳукуматимиз ёлғиз кексалар, нафақахўр ва тиббий кўмакка муҳтож кишиларнинг ижтимоий таъминоти ва яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса, ногиронларни манзилли ва аниқ йўналтирилган мақсадли ҳимоялаш тизими барпо этилди. Унга кўра, ана шундай кишиларнинг жамиятга ўз муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, уларга мунтазам моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари ҳаётга изчил татбиқ этилаётди.

Бугунги кунда республикада бир юз етмишга тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари фаолият юритяпти. Улар ҳар йили етмиш мингга яқин ногиронга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. Қарийб

етти юз қирқ ўринга мўлжалланган миллий реабилитация марказларида эса ҳар йили ўн уч мингдан кўпроқ ногиронларнинг саломатлиги яхшиланяпти. 2000 йилда юртимизда ортопедия-реабилитация корхоналари ташкил этилгани тўғрисида маълумотларни маҳсулотларига муҳтож кишиларнинг эҳтиёжи деярли тўлиқ қопланяпти.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ногиронликни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш давлат дастурларини босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш тўғрисидаги ногиронлар сонини ўттиз фоиздан кўпроқ камайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва ре-

абилитация қилишнинг долзарб муаммоларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий семинарда ана шу масалалар хусусида сўз юритилди. Унда олимлар, шифокорлар, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари ва миллий реабилитация марказлари вакиллари, хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Семинарда тиббий-меҳнат экспертиза хизматлари ва реабилитация марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ногиронликни олдини олиш ва даволашга хизмат қиладиган замонавий технологияларни жорий этишда илм-фан олдида турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Ортопедия-реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, таянч-ҳаракат тизимлари, умуртқа поғонаси хасталикларини даволашнинг самарали усуллари ва воситалари, нейрореабилитациянинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида замонавий тиббий ишлаб-ускуналар ва дори-дармон асбоб қиқарувчи етакчи хорижий ва маҳаллий компаниялар маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ**

*Санъат*

## ФЕСТИВАЛЬ ДАСТУРИДАН ЎРИН ОЛДИ

Кейинги йилларда республикамиз бастакорларининг ижодий изланишлари тўғрисида қатор янги постановкалар юзга келди. Истеъдодли бастакор Анвар Эргашев яратган «Хумо» балети ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Афсонавий куш ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур спектакль мусиқавий оҳанглари билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон бастакорлари уюшмаси уни симфоник мусиқа халқаро фестивали дастурига қиритишни лозим деб топди.

Ушбу йирик ижодий кўрик Тошкентда ташкил этилди. Ўзбекистон миллий симфоник оркестри мазкур фестивалда қатор асарларни ижро этди.

«Хумо» балети мусиқаси ҳам анжуманда баралла янгради.

## САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ХИКОЯЛАР

Мамлакатимизда эл оғзига тушган санъаткорлар кўп. Уларнинг юқори ижрочилик маҳоратлари халқаро доирада эътироф қилинмоқда.

Шу ўринда таниқли хонандалар ва созандалар номларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. «Ўн икки ёрқин истеъдод» деб номланган тўпلام уларга бағишлаб чоп этилди. Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёкубов қаламига мансуб бу янги нашрда сеvimли хонандалардан Мурьясар Раззоқова, Фаррух Зокиров, Муножат Йўлчиёва, Юлдуз Усмоновалар, истеъдодли бастакорлардан Мустафо Бафоев, Дмитрий Янов-Яновскийлар, мохир созанда Турғун Алиматов ва бошқалар ҳақида ёзилган мақолалар ўрин олди.

Уни «Истиқлол» нашриёти кўп нусхада босиб чиқарди.

## ТОШКЕНТДА ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ

Тошкентдаги «Илҳом» театри истеъдодли ёшлар учун ҳам сеvimли ижодий масканга айланиб қолди. Актёрлар янги-янги спектакллари постановка қилиш билан бирга, бадий ҳаваскорлик жамоалари учун ўқув машғулотларини уюштирмоқдалар.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган драматик санъат талбалар мактаби машғулотлари ҳам кутилган натижани бермоқда. Ўзига хос маҳорат марказига айланган мактаб томонидан постановка қилинган янги диплом спектаклини томошабинлар яхши кутиб олдилар.

Комик мулоқот асосида қурилган мазкур кичик сахна асари мутахассислар томонидан ижодий баҳоланди.

**Ақбар АЛИЕВ**



ДУШАНБА, 21

«Ўзбекистон»

Хурмати телешоҳинлар! «Ўзбекистон» телеканали 21 ноябрь кунини ўз кўрсатувларини бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 «Тахлилнома». 15.45 ТВ-анонс. 15.50 «Аёл ва идрок». 16.10 «Айтишув». 17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ-анонс. «Болалар сайёраси». 17.15 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.35 «Равнак» студияси намойиш этади. 17.50 «Олтин мерос». 18.00 «Биржа ва банк хабарлари». 18.15 ТВ-анонс. 18.20 «Ошин». Теле-сериял. 18.55 «Аёло ўйинчи». Телеоплеатор. 19.15 «Оқшом наволари» (СМС, Овоз бериш). 19.25 «Узлото» кундалиги ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.00 ТВ-анонс. 20.05 «Омон бўлинг!». 20.10 «Гулхан атрофидигалар». Теле-сериял премьераси. 1-кисм. 20.50 «Минг бир ривони». 21.00 «Ахборот». 21.35 «Олтин мерос». 21.40 «Эркин мавзу». 22.00 «Сарой жавоҳири». Теле-сериял премьераси (Корея). 23.10 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS, Овоз бериш). 23.20 «Кавингтон Кросс». Теле-сериял. 00.10-00.15 Ватан тилмислари.

«Ёшлар»

12.00 Дастурнинг очилиши. 12.05 ТВ-анонс. 12.10 Мафтунингман, дийрим! 12.15 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси. 12.35 Менимча. 12.40 Болалар экран-кичик дўстлар саргузаштлари. 13.15 Хавт қади. 13.40 «Кино SMS» танлов. 13.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Фариштали аёл» спектакли. 14.50 Менимча. 14.55 «Кино SMS» танлов. 15.00 «Фариштали аёл» спектаклинг давоми. 15.55 ТВ-анонс. 16.00 Давр. 16.15 Мафтунингман, дийрим! 16.20 ТВ-анонс. 16.25 «Янги авлод» студияси: «Авдан» «Наг'ача, Келинг, танишдик». 16.40 Жаҳон жуғрофи-яси. 16.50 Олим манзил-лар. 17.05 Бир дахика. 17.25 Ёшлар овози. 17.40 ТВ-адвокат. 17.45 Мусликй лах-за. 17.50 «Кино SMS» танлов. 17.55 Чемпион сирлари (рус тилида). 18.15 «Ёшлар» теле-каналнинг фототан-лов. 18.20 «Кўёшли тош». Бадиий фильм. 18.45 Менимча. 18.50 Мафтунингман, дийрим! 18.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Умр дафтари» туркумидан: Мирмух-син. 1-кисм. 20.00 Мусликй лах-за. 20.05 Хамкор - 2005. 20.15 Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси кунини ол-дидан. «Ортим шу-кухи». 20.35 Мусликй лах-за. 20.40 UzEX хабарла-ри. 20.50 Эълонлар. 21.00 «Шубха». Теле-

сериял. 21.45 ТВ-анонс. 21.50 Мафтунингман, дийрим! 21.55 Иқлим. 22.00 Давр. 22.35 UzEX хабарла-ри (рус тилида). 22.45 «Ёшлар» теле-каналда спорт да-стури: Интерфутбол. 0.25-0.30 Хайрли туни!

«Тошкент»

18.20 Программа пе-редач. 18.30 Информацион-ная программа «Пой-тахт» (рус). 18.50 «Мультикар-усель» (рус). 19.10 Телегазета «Эк-спресс». 19.15 Телекурьер маркет. 19.20 «Мультикарпа-лак». 19.30 «Табриклай-миз-кулайимиз». 19.40 Информацион-ная программа «Пой-тахт». 20.20 Serial на ТТВ: «Морена Клара». 21.00 Телегазета «Эк-спресс». 21.15 Телекурьер маркет. 21.20 «Пойтахт плано». 21.45 Киноок: Кон-курс SMS: 1. «3 плюс два». 2. «Чисто ан-глийское убийство». 3. «Большой». Фильм который на-брал наибольшее ко-личество SMS сооб-щений будет показан в нашей эфире. Пос-лед окончания филь-ма «Спокойной ночи, мой город!»

«Спорт»

7.30 «Талкин». Ин-формационно-анали-тическая программа. 8.00 «Доброе утро». 9.00 «Вестия». Ин-формационно-анали-тическая программа. 9.30-10.10 «Хозяйка судьбы». Сериял. 17.55 Программа пе-редач. 18.00 Мультифильм. 18.15 «Здоровое по-коление». 18.30 «Хабарлар» (на русском языке). 18.50 «Жди меня». 19.00 «Вести». 20.30 «Королевы спорта». 20.45 Футбол. Кубок Узбекистана. Полу-финал. 21.30 «Хабарлар». 21.50 «Доброе утро». 22.30 Международ-ный спорт: «Проф-РИНГ». 23.20 «Спокойной ночи!»

30-й канал

До 16.55 профилак-тиская работа. 16.55 Открытие про-граммы 17.00 Программа пе-редач 17.05 Мультифильм 17.25 «Киноконцерт» 17.45 «Парламент со-зиди» 17.55 Эспрессизми? 18.00 «Кассандра» сериял 19.00 «Ошикона» 19.45 «Теле-Хамкор» 20.00 «Мусликй та-бассум» музыкальная передача 21.00 «Балогат бека-ти», 1-кисм. 22.00 «Теле-хамкор» 22.15 «Мусликй та-бассум» музыкальная передача 22.50 Художествен-ный фильм «Разбор-ка в Бронксе», ост-росюжетный фильм

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.40, 03.00, 05.00 Новости. 9.05 «Сердце Аф-рики». 10.20 Serial «Есе-нин». 12.20 Фильм «Шпи-онские игры». 14.40 Твория неверо-ятности. «Дети инди-го». 15.10 «Лолита. Без комплексов». 16.00 Serial «Хозяй-ка судьбы». 18.10 «Кривое зерка-ло». 18.40 Serial «Адью-

таити любви. Фаво-ризм». 19.50 Жди меня. 21.00 Время. 21.30 Serial «Прин-цесса и нищий». 22.30 Спецрасследо-вание. «Моя жестокая няня». 24.00 Serial «Брат-ство бомб». 01.10, 03.05 Фильм «Одиссея». 04.00 Неизвестная планета - В поисках Новаа ковчега». 04.30, 05.05 История с географией. «Али-би для Пола Маккар-тни».

Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.45 Фильм «Любов-ница». 2005г. 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.10, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва. 11.50 «Баловень судьбы». Феномен Льва Лещенко». 12.45 «Частная жизнь». 13.45, 00.15, 04.45 Вести. Дежурная. 14.15 «Вести». 14.30 Мелодрама «Група». 17.15 «Смехопанора-ма Евгения Петрося-на». 17.45 «Обреченная стать звездой». Теле-сериял. 18.45 «Черная боги-ня». Теле-сериял. 19.45 Вести. Под-робности. 20.50 «Спокойной ночи, малыши!». 21.00 Serial «При-мадонна». 21.55 Serial «Бан-дитский Петербург-7. Перелет». 23.00 «Вести». 23.30 «Мой серебря-ный шар Ангелина Степанова». 00.30 «Честный детектив». 01.00 «Синемания». 01.30 «Дорожный патруль». 01.45 Комедия «Дол-говязый Бинго». 03.35 Канал «Евроно-ью».

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего. 9.00 М/ф «Лебеди Непрядвы». 9.30 М/ф «Сабрина - маленькая ведьма». 10.00 М/ф «Черепаш-ки-ниндзя». 10.20 М/ф «Три-бок-теремок». «Ежик в тумане». 10.45, 15.45 М/ф «Ну, погоди!». 11.00 Х/ф «Страна фей». 12.20 Х/ф «Дракон Пята». 15.00 «Осторожно, модерни!» 15.00 Х/ф «Виват, гарлемарины!». 17.20 Х/ф «Секреты Лос-Анджелеса». 20.00, 02.00 Теле-сериял «Третья смена». 21.00, 22.55 «Мама». 21.05 Х/ф «После-дний танец». 23.00 Х/ф «Обрека-ющая гибель». 01.00, 05.00 Теле-сериял «Ее звали Ники-та». 03.00 Х/ф «Окно во двор».

НТВ

6.00 «Сегодня утро». 9.15 «Вопрос еще вопрос...». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 24.00 «Сегодня». 10.20 «Чистосердеч-ное признание». 10.55 «Кулинарный поединок». 11.55 «Квартирный вопрос». 13.35 Serial «Марш Турецкого». 15.35, 18.35, 23.50 «Чрезвычайное про-исшествие». 16.20 Serial «Адво-кат». 17.00 «Узлото» кун-далиги ва рекламалар. 19.40 Serial «Бри-гада». 20.50 Serial «Воз-вращение Мухтара-2. Кино и немцы». 22.45 «Рублевка». 00.20 «Школа зло-словия». 01.15 «Все сразу!». 01.45 Боевик «День воина».

СТС

8.00 «Дикие ангелы». Сериял. 8.50 «Смешарики». Сериял. 9.00 «Веселые мело-дии». Сериял. 9.30, 20.25, 02.00 Serial «Моя пре-красная няня». 10.00, 22.00 «Не ро-дись красивой». Се-риял. 11.00, 21.30, 01.30 История в деталях. 15.30 «Зача- рованные». Сериял. 12.30 Кино «Игру-щенные солдатики». 14.45 «Ну, погоди!». 15.00 «Другое изме-рение». Сериял. 15.30 «Питер Пэн и пираты». Пэн и пираты». 16.00 «Охотники за привидениями». Се-риял. 16.30 «Оливер Твист». Сериял. 17.00 «Люди в чер-ном». Сериял. 17.30 «Приключения Джеки Чана». Сериял. 18.00 «Зена - коро-лева воинов». Се-риял. 19.00 Комедия «Чу-деса науки». 23.00 «Люба, дети и завод...». 23.30 «Части тела». Сериял. 02.35 Детали. 03.35 «Спецотряд «Кобра». Сериял. 04.20 Кино «Цвет любви. История Джейси». 05.45 «Спасите, ре-монт!».

СЕШАНБА, 22

«Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар да-стури. 6.30 «Ассалом, Ўзе-бекистон!». 8.00-05 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 «Олтин мерос». 8.45 «Австралиянинг ёввойи табиати». Хужжатли теле-сериял. «Болалар сайёраси». 9.30 «Уйла, эйла, топ!» Телемузоака. 10.10 «Кавингтон Кросс». Теле-сериял. 11.00 «Ахборот». 11.10 ТВ-анонс. 11.15 «Омон бўлинг!». 11.20 «Гулхан атро-фидигалар». Теле-сериял. 1-кисм. 12.00 «Остонаси тил-лодан». 12.20 ТВ-анонс. 12.25 «Ўзбектеле-визион» нафойиш: «Лякбоб». Премье-ра. 12.40 «Олтин мерос». 12.45 «Сарой жа-воҳири». Теле-сериял. 13.50 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS, Овоз бериш). 14.00 «Ахборот». 14.15 ТВ-анонс. 14.20 «Бобур». Ви-деофильм. 13-кисм. 14.55 «Жахоир». 15.00 «Ахборот» (ин-глиз тилида). 15.10 ТВ-анонс. 15.15 «Бу турфа ола-м». «Болалар сайёраси». 15.45 1. «Кувнок стартлар». 2. «Эртақ-лар яхшиликка етак-лар». 16.35 ТВ-анонс. 16.40 «Тайлимга эътибор» - келажакка эътибор». 17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ-анонс. 17.15 «Яхшилар ади-ди». 17.35 «Дастур: иж-ро ва масъулият». 18.00 «Оқшом на-волари» (SMS, Овоз бериш). 18.10 Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси кунини ол-дидан. «Хайтимиз комуси». 18.25 «MAGGI» @ Ол-тин ошхона. 18.50 «Ошин». Теле-сериял. 19.25 «Узлото» кун-далиги ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.50 «Уздзу авто - сув учини». 20.15 «Гулхан атро-фидигалар». Теле-сериял премьераси. 2-кисм. 21.00 «Ахборот».

«Спорт»

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бодрое утро». 8.50 «Хабарлар» (На русском языке). 9.10 «Хозяйка судь-бы». 9.50 Дюдо. Между-народный турнир. 10.20-11.00 Между-народный спорт: «Тенис». 17.55 Программа пе-редач. «Детский спорт». 18.15 «Спорт - моя

«Ёшлар»

Телешоҳинлар диктатга! Профилактика муно-сабати билан, 22 ноябрь сешанба кунини «Ёшлар» теле-канал кўрсатувлари соат 15.25 дан бошлайди. 15.25 Дастурнинг очилиши. 15.30 «Кўёшли тош». Бадиий фильм. 15.55 ТВ-анонс. 16.00 Давр. 16.15 Мафтунингман, дийрим! 16.20 «Ёшлар» теле-каналнинг фототан-лов. 16.25 «Умр дафтари» туркумидан: Мирмух-син. 1-кисм. 16.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар. Болалар шериати. 17.15 Давринг бола-си. 17.25 «Кино SMS» танлови. 17.30 Кўёшли юрт одамлари. 17.45 ТВ-адвокат. 17.50 Ёшлар овози. 18.05 ТВ-анонс. 18.10 Мусликй лах-за. 18.15 Менимча. 18.20 «Кўёшли тош». Бадиий фильм. 18.45 «Кино SMS» танлови. 18.50 Мафтунингман, дийрим! 18.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Умр дафтари» туркумидан: Мирмух-син. 2-кисм. 20.00 «JOKER» теле-лотерейси. 20.10 Мусликй лах-за. 20.15 Менимча. 20.20 Давр репортаж. 20.30 Автопатруль. 20.50 Эълонлар. 21.00 «Шубха». Теле-сериял. 21.45 «Кино SMS» танлови. 21.50 Мафтунингман, дийрим! 21.55 Иқлим. 22.00 Давр. 22.35 Мусликй лах-за. 22.40 «Эсмэралда». Теле-сериял. 23.10, 23.15 Хайр-ли туни!

«Тошкент»

18.20 Программа пе-редач. 18.30 Информацион-ная программа «Пой-тахт» (рус). 18.50 «Мультикар-усель» (рус). 19.10 Телегазета «Эк-спресс». 19.15 Телекурьер маркет. 19.20 «Мультикарпа-лак». 19.30 «Табриклай-миз-кулайимиз». 19.40 Информацион-ная программа «Пой-тахт». 20.20 Serial на ТТВ: «Морена Клара». 21.00 Телегазета «Эк-спресс». 21.15 Телекурьер маркет. 21.20 «Пойтахт плано». 21.45 Киноок: Кон-курс SMS: 1. «3 плюс два». 2. «Чисто ан-глийское убийство». 3. «Большой». Фильм который на-брал наибольшее ко-личество SMS сооб-щений будет показан в нашей эфире. Пос-лед окончания филь-ма «Спокойной ночи, малыши!». 21.00 Serial «При-мадонна». 21.55 Serial «Бан-дитский Петербург-7. Перелет». 23.00 «Вести». 23.30 «Мой серебря-ный шар Ангелина Степанова». 00.30 «Честный детектив». 01.00 «Синемания». 01.30 «Дорожный патруль». 01.45 Комедия «Дол-говязый Бинго». 03.35 Канал «Евроно-ью».

Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.45, 21.00 Serial «Примадонна». 9.45 «Боденский какал. Смерть над озером». 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.10, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва. 11.50, 13.45, 16.30, 00.15 Вести. Дежур-ная часть. 11.50 Детектив «Ма-росевка, 12». «Опе-рация «Зеленый лед»». 12.45 «Частная жизнь». 14.30 «Суд идет». 15.30, 21.55 Serial «Бандитский Петер-бург-7. Перелет». 17.15 «Кулагин и партнеры». 17.45 «Обреченная стать звездой». Теле-сериял. 18.45 «Черная боги-ня». Теле-сериял. 19.45 Вести. Под-робности. 20.50 «Спокойной ночи, малыши!». 23.00 «Вести». 23.20 «Космические

«Ўзбекистон»

жизнь». 18.30 «Хабарлар» (На русском языке). 18.50 Тяжелая Атика. Чемпионат Азии. 19.15 «В поисках приключений». 20.00 «Вести». 20.30 Кураш. Кубок Узбекистана. 21.00 «Футбольное обозрение». 21.20 «Спорт - антракт». 21.30 «Хабарлар». 21.50 Международ-ный спорт: «Еврофут-бол». 23.25 «Спокойной ночи!»

30-й канал

12.00 Открытие про-граммы. 12.05 «Теле-хамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Дружная се-мейка», сериял. 14.00 Художествен-ный фильм «Разбор-ка в Бронксе», ост-росюжетный фильм. 15.30 «Ошикона». 16.15 «Аёллар орузи» повтор передачи. 16.45 «Теле-хамкор» 17.00 Программа пе-редач. 17.05 Мультифильм. 17.25 «Эстрада куш-шиклари». 17.45 «Кино сирлари» 17.55 «Жахоир». 18.00 «Кассандра». 19.00 «Ошикона». 19.45 «Теле-хамкор». 20.00 «Мусликй та-бассум». 21.00 «Балогат бека-ти». 2-кисм. 22.00 «Мусликй та-бассум». 22.40 Художествен-ный фильм «Спартак и Калашников», мел-одрама

ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро». 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.40 Новости. 9.05, 21.30 «Прин-цесса и нищий». Се-риял. 10.10 Serial «Агент национальной безо-пасности». 11.30 «Дети японско-го чуда». Док фильм «Большой об-вал». 12.20 Дисней-клуб: «Команда Губфи». 13.50 Спецрасследо-вание. «Птичий грипп». 15.10 «Лолита. Без комплексов». 15.30 Serial «Хозяй-ка судьбы». 17.00 «Федеральный судья». 18.10 «Кривое зерка-ло». 18.40 Serial «Адью-таити любви. Фаво-ритка». 19.50 «Пусть говорят» 21.00 Время. 22.30 Тайны века. «Кто утопил «Эсто-нию»». 23.00-2030. 01.10 Фильм «Дере-во Джоуза». 03.10 Комедия «Сведи меня с ума». 04.50 Спецрасследо-вание. «Личная безо-пасность».

Россия

5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.45, 21.00 Serial «Примадонна». 9.45 «Боденский какал. Смерть над озером». 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести. 11.30, 14.10, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва. 11.50, 13.45, 16.30, 00.15 Вести. Дежур-ная часть. 11.50 Детектив «Ма-росевка, 12». «Опе-рация «Зеленый лед»». 12.45 «Частная жизнь». 14.30 «Суд идет». 15.30, 21.55 Serial «Бандитский Петер-бург-7. Перелет». 17.15 «Кулагин и партнеры». 17.45 «Обреченная стать звездой». Теле-сериял. 18.45 «Черная боги-ня». Теле-сериял. 19.45 Вести. Под-робности. 20.50 «Спокойной ночи, малыши!». 23.00 «Вести». 23.20 «Космические

«Ўзбекистон»

каскадеры. С риском для жизни». 8.00-30 Детектив «Убийство на Ждановской». 02.15 «Дорожный патруль». 02.30 «Горячая де-сятка». 03.30 Serial «За-ком и нищий». 04.20 «Мистер Стер-линг». 8.30 Победоносный голос верующего. 9.00 М/ф «Серая шейка». 9.15 М/ф «Почему у льва большая грива». 9.30 М/ф «Сабрина - маленькая ведьма». 10.00 М/ф «Черепаш-ки-ниндзя». 10.30, 15.30 «Лиса строителю». «В мире басен». 10.45, 15.45 М/ф «Миссис Уксус и мис-тер Уксус». 11.00 М/ф «Страна фей». 12.20 Х/ф «20000 лье под водой». 15.00 «Осторожно, модерни!» 16.00 Х/ф «Виват, гарлемарины!». 17.25 Х/ф «Жизнь Дэвида Гейла». 20.00, 02.00 Теле-сериял «Третья смена». 21.00, 22.55 «Мама». 21.05 Х/ф «Арлетт». 23.00 Х/ф «Три сле-за мыcryядок». 01.00, 05.00 Теле-сериял «Ее звали Ники-та». 03.00 Х/ф «Подста-ва».

НТВ

